

FARG'ONA VILOYATI
HOKIMINING
QARORIПОСТАНОВЛЕНИЕ
ХОКИМА
ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ2017 yil "24" НОЯБРЬ № 588

Farg'ona shahri

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил
17 ноябрдаги ПҚ-3393-сонли қарори тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги "Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5242-сонли Фармонининг ижросини таъминлаш ҳамда "Хунарманд" уюшмаси ташкилий тузилмасини оптималлаштириш асосида унинг фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш юзасидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги ПҚ-3393-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги "Хунарманд" уюшмаси фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3393-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори билан: Қуйидагилар "Хунарманд" уюшмаси фаолиятининг устувор йўналишлари этиб белгиланганлиги:

биринчидан, хунармандчиликни янада ривожлантириш халқ хунармандчилиги ва амалий санъатнинг анъанавий турларини сақлаш ва қайта тиклаш, хунармандчилик маҳсулотларининг рақобатдошлигини ва сифатини ошириш бўйича тизимли ва мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш;

иккинчидан, аҳолини хунармандчилик фаолиятига кенг жалб этиш, хунармандчилик соҳасида бандликни кенгайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, хунармандларни давлат рўйхатига олишда кўмаклашиш, хунармандчилик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларнинг ягона реестрини юритиш;

учинчидан, хунармандчилик соҳасидати қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, хунармандларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда иштирок этиш, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда давлат органларида хунармандларнинг манфаатларини ифодалаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

тўртинчидан, хунармандчиликни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этиш, хунармандчиликни ривожлантириш

марказларини ташкил этиш ва такомиллаштириш, сайёҳлар учун жозибадор бўлган хунармандчилик объектлари яратиш;

бешинчидан, хунармандчилик маҳсулотларини кенг жамоатчилик орасида оммалаштириш, истеъмолчиларга хунармандчилик маҳсулотларини сотиш, жумладан уларни экспорт қилишни рағбатлантириш учун қулай шарт-шароит ва зарур инфратузилмани яратиш;

олтинчидан, хунармандчилик соҳасида авлодлар ворислигини таъминлаш, хунармандларнинг ёшларни меҳнатсеварлик, инсонпарварлик ва миллий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялашда фаол иштирокини рағбатлантириш, “Уста-шогирд” мактабларини такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш.

Қуйидаги янгиланган:

“Хунарманд” уюшмасининг ташкилий тузилмаси **1-иловага** мувофиқ;

“Хунарманд” уюшмасининг 33 нафар бошқарув ходимларидан иборат ижро аппарати тузилмаси **2-иловага** мувофиқ;

“Хунарманд” уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги бошқармалари намунавий тузилмаси **3-иловага** мувофиқ;

“Хунарманд” уюшмасининг туманлар (шаҳарлар)даги бўлими намунавий тузилмаси **4-иловага** мувофиқ тасдиқланганлиги;

Шунингдек, уюшма раисига, зарурат бўлганда, уюшманинг ташкилий тузилмаси, ижро аппарати, ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлинмаларининг тузилмаларига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилганлиги;

“Хунарманд” уюшмасининг даромадларини шакллантириш манбалари этиб Қуйидагилар белгиланганлиги:

“Хунарманд” уюшмаси аъзоларининг аъзолик бадаллари;

халқаро донорларнинг грантлари, ҳомий ташкилотларнинг маблағлари;

вақтинча бўш турган маблағларни тижорат банкларининг депозитларига ва бошқа молиявий воситаларга жойлаштиришдан тушадиган даромадлар;

пуллик хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа тушумлар.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, “Хунарманд” уюшмаси хунармандчилик маҳсулотларини узоқдаги туманлар (шаҳарлар)дан сотиб олиш ва келгусида йирик шаҳарларда сотиш ҳамда экспорт қилиш учун “Хунарманд” уюшмаси ҳузурида савдо-харид қилиш корхоналари ташкил этилишини икки ой муддатда таъминлаш вазифаси берилганлиги;

“Хунарманд” уюшмасига касаначилик маҳсулотлар (ишлар ва хизматлар) ишлаб чиқариш функциясига эга бўлган таркибий бўлинмалар ташкил этиш, шунингдек, пудратчи корхоналар сифатида, айниқса республиканинг қишлоқ ва узоқ туманларида, касаначилар билан хунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича шартномалар тузиш ҳуқуқи берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ушбу қарорга асосан вилоят ҳокимининг 2017 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 июндаги ПҚ-3068-сонли қарори ҳақида”ги 345-сонли қарорининг 1-иловасига **5-иловага** мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

4. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Кўчқоров Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бошқармаси, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси, “Хунарманд” уюшмаси вилоят бошқармаси билан биргаликда **икки ой муддатда:**

“Хунарманд” уюшмасининг вилоят бошқармаси, туман ва шаҳарлар бўлимларини жойлаштириш учун бино ва иншоотларга бўлган эҳтиёжни ўргансин;

ўрганиш натижаларига кўра, “Хунарманд” уюшмасининг вилоят бошқармасини, туман ва шаҳарлар бўлимларини фойдаланилмаётган давлат мулки бинолари ва хоналарига жойлаштириш учун уларни “Хунарманд” уюшмасига бепул фойдаланиш учун топшириш чораларини кўрсин.

5. Вилоят телерадиокомпанияси, “Хунарманд” уюшмаси вилоят бошқармаси Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси Ўзбекистон Бадий академияси вилоят бўлими, шунингдек бошқа манфаатдор бошқарма ва ташкилотлар:

икки ҳафта муддатда хунармандчиликни ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари натижаларининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминлайдиган медиа-режани ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

медиа-режада тасдиқланган тадбирлар ёритиладиган телевидение ва радиоканалларни бир ой муддатда белгиласин;

белгиланган телевидение ва радиоканалларда медиа-режанинг тасдиқланган мавзули ва кўчма дастурлари, ток-шоулар, интервьюлар ва бошқа хунармандчиликни ривожлантириш масалаларини намойиш этиш учун эфир вақтининг, жумладан энг тигиз вақтларда, бепул ажратилишини таъминласин.

6. Адлия бошқармаси “Хунарманд” уюшмаси вилоят бошқармасига янги талаб ва вазифалар ҳисобга олинган янги таҳрирдаги Уставини тайёрлашга ва давлат рўйхатидан ўтказишга кўмаклашсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вилоят ҳокими




Ш.Ғаниев.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2017 йил 17 ноябрдаги ПҚ-3393-сонли
қарори билан тасдиқланган)

Вилоят ҳокимининг
2017 йил ___ ноябрдаги
_____ -сонли қарорига
1-илова


“Хунарманд” уюшмаси ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ



(Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 17
ноябрдаги ПҚ-3393-сонли қарори
билан тасдиқланган)

Вилоят ҳокимининг
2017 йил ___ ноябрдаги
___ - сонли қарорига
2-илова

**“Хунарманд” уюшмаси ижро этувчи аппарати
ТУЗИЛМАСИ**




Бошқарув ходимлар сони ... 33 нафар.

*) бўлим Тошкент шаҳрида аҳолий хунармандчиликка жалб қилиш ва ва хунармандчилик билан шугулланувчиларнинг аҳолий юритиш билан шугулланади.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 17
ноябрдаги ПҚ-3393-сонли қарори
билан тасдиқланган)

Вилоят ҳокимининг
2017 йил ___ ноябрдаги
___ - сонли қарорига
3-илова

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги "Хунармандлик, Уюнмаси бошқармаларининг
ЎЗГАРТИРИЛИШИ ТУГАНИШИГА АСОС ҚИЛГАНДА АМУНАВИЙ ТУЗИЛИМАСИ




Изоҳ: Бошқармалар ходимлари сонни хунармандлар сонидан келиб чиқиб, 7-10 нафар агрофида белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 17
ноябрдаги ПҚ-3393-сонли қарори
билан тасдиқланган)

Вилоят ҳокимининг
2017 йил ___ ноябрдаги
___ - сонли қарорига
4-илова

“Хунарманд” уюшмасининг Хунармандлар сони 100 нафардан ортиқ бўлган туман (шаҳар) бўлимларининг
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ



Ходимлар сони 4-5 нафар агрофида белгиланади.

Илоҳ: Хунармандлар сони 100 нафардан кам бўлган туман ва шаҳарларда “Хунарманд” уюшмаси туман (шаҳар) бўлимини бошқа тузилмасини белгилайди.

(Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 17
ноябрдаги ПҚ-3393-сонли қарори
билан тасдиқланган)

Вилоят ҳокимининг
2017 йил ___ ноябрдаги
_____ -сонли қарорига
5-илова

**Вилоят ҳокимининг 2017 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 19 июндаги ПҚ-3068-сонли қарори ҳақида”ги
345–сонли қарорига киритилаётган ўзгартириш**

Вилоят ҳокимининг 2017 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 19 июндаги ПҚ-3068-сонли қарори ҳақида”ги
345–сонли қарорига 1-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг
ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ**

